

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил апрель ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Норин туман суди “Бобур” МФЙдаги очиқ сайёр суд мажлисида,
раислик қилувчи: судья Т.Мелибоев,
судья ёрдамчиси Д.Назаров котиблигида, томонлардан Норин туман прокурори катта ёрдамчиси Б.Махмудов, гумон қилинувчи Б....., фуқаровий даъвогар Р..... иштирокида,

..... 1976 йил 2 январда Норин туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Наманган вилояти Норин тумани йўллардан фойдаланиш корхонаси бош механиги вазифасида ишлаган, Наманган вилояти, Норин тумани, “Фурқат” МФЙ, Улуғбек кўчаси, 27-уйда яшайди, ишни ярашув асосида судга юбориш тўғрисидаги қарор нусхасини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1605-2501/38-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан, гумон қилинувчи Б..... Норин тумани йўллардан фойдаланиш корхонаси бош механиги лавозимида ишлаб келиб, моддий жавобгар шахс бўлгани ҳолда 2024 йил давомида нефть маҳсулотларини тарқатиш ҳисобини юритишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 2 июлда 1382 рақами билан руйхатга олинган “Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақалари, товар-транспорт юк хатлари тайёрлаш, ҳисобини юритиш, тўлдириш ва уларни қайта ишлаш бўйича” Йўриқноманинг IV-бобидаги, ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақаларини тўлдириш ва қайта ишлаш 1-параграф йўл варақаларини тўлдириш талабларига риоя қилмасдан, муассаса томонидан ташқи корхоналардан жалб қилинган автотранспорт ва механизмларга бирламчи ҳужжат йўл варақалари юритмасдан, ўзининг ихтиёрида бўлган Норин тумани йўллардан фойдаланиш корхонаси давлат муассасасига тегишли бўлган 14.118.030 сўмлик 1.621 литр дизель ёнилғиси маҳсулотини ноқонуний тарзда қуйиб бериб, ўзганинг мулкани растрата ва ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган.

Гумонланувчи Б..... судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига иқrorлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмиши оқибатини англаганлиги,



етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, бартараф қилганлиги, ҳозирда фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар Р..... судда, ярашув тўғрисида берган аризасини қувватлаб, Б.....га нисбатан корхонанинг ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарарлар қопланиб, бартараф қилинганлиги, аризани ўз ихтиёри билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунгани ҳақида кўрсатувлар бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 167-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, фуқаровий даъвогар Р..... ҳамда гумонланувчи Б.....нинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Норин туман прокурори катта ёрдамчиси Б.Махмудовнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги хулосасини эшитиб, гумон қилинувчи Б..... айбига иқроорлиги ва етказилган зарарларнинг тўлиқ қоплаб, бартараф қилганлиги, фуқаровий даъвогар ва гумонланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумонланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг хоҳиши билан бўлаётгани ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга дахлдорлигини инобатга олиб, Б.....га нисбатан юритилган жиноят иши бўйича суд баённомасини тасдиқлаб, ишни ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 1-қисми билан гумонланувчи [REDACTED] [REDACTED]га нисбатан юритилган жиноят иши бўйича суд мажлиси баённомаси тасдиқлансин ва жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида Наманган вилоят судига апелляция, иш апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Т.Мелибоев

